

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**КАСИМОВ ШЕРЗОД АБДУЗАИРОВИЧ**

**ТАРКИБИДА АЗОТ, ФОСФОР, КИСЛОРОД БЎЛГАН  
ЛИГАНДЛАР СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИНГ БАЪЗИ d-МЕТАЛЛАР  
БИЛАН КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИ**

**02.00.01–Ноорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

Касимов Шерзод Абдузаирович Таркибида азот, фосфор, кислород бўлган лигандлар синтези ва уларнинг баъзи d-металлар билан координацион бирикмалари.....	3
Касимов Шерзод Абдузаирович Синтез азот-, фосфор-, кислородсодержащих лигандов и их координационные соединения с некоторыми d-металлами .....	21
Kasimov Sherzod Abduzairovich Synthesis of nitrogen-, phosphorus-, oxygen-containing ligands and their coordination compounds with some d-metals.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**КАСИМОВ ШЕРЗОД АБДУЗАИРОВИЧ**

**ТАРКИБИДА АЗОТ, ФОСФОР, КИСЛОРОД БЎЛГАН  
ЛИГАНДЛАР СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИНГ БАЪЗИ d-МЕТАЛЛАР  
БИЛАН КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИ**

**02.00.01–Ноорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.3.PhD/К60 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университети ва Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тураев Хайит Худайназарович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Умаров Бақо Бафоевич**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Нуралиева Гўзал Абдухамидовна**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24, факс: (+99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24, факс: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ҳ.Т. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

**Н.А.Парпиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
к.ф.д., проф., академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё микёсида асосий эътибор синтетик координацион кимёда аниқ стереокимёвий тузилишга эга бўлган органик лигандлар синтези ва дизайни муаммоларига қаратилган. Бундай хелат ҳосил қилувчи лигандлар сифатида полимер сорбентлар жуда аҳамиятли ҳисобланади. Полимер лигандлар, яъни хелат ҳосил қилувчи сорбентлар синтези, улар ёрдамида оралиқ металлларни эритмалардан комплекс ҳосил қилувчи сорбцион усуллар ёрдамида ажратиш, сорбция жараёнида ҳосил бўлган координацион бирикмаларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш кимё саноатининг асосий вазифаларидан биридир.

Жаҳонда оралиқ металлларнинг комплекс бирикмалари координацион бирикмалар кимёсидаги нафақат фундаментал, балки, амалий тадқиқотларнинг ҳам асосий предмети ҳисобланади. Оралиқ металлларнинг катта миқдордаги реакцион фаол органик лигандлар билан ҳосил қилган координацион бирикмаларини саноатнинг турли тармоқларида қўллаш натижасида эса замонавий чиқиндисиз технологиялар асосидаги муҳим ишлаб чиқариш жараёнларининг кенг истиқболлари очилади. Бундай реакцион фаол органик лигандлар сифатида таркибида азот, фосфор, кислород бўлган комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандларни олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу лигандларни эритмалардан комплекс ҳосил қилиш жараёни орқали металлларни ажратиш олишда қўллаш металлларни комплекс бирикмалар кўринишида танловчан ажратиш имконини беради. Шу сабабли металлларнинг полимер лигандлар билан координацион бирикмалар ҳосил қилиш имкониятларини тизимли тадқиқ қилиш, олинган моддаларнинг эритмалардаги барқарорлигини аниқлаш лозим.

Республикамызда кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, хусусан, рангли ва нодир металлларни эритмалар таркибидан танлаб ажратиш олиш учун ҳамда оқава сувларни оғир металллардан тозалаш учун қўлланиладиган сорбентларни ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш», «принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш» ва «мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш»га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини, жумладан, кимё саноатини ривожлантиришда, йўналтирилган органик синтез асосида танловчан сорбентлар – полимер лигандлар олиш ва улар ёрдамида d-металлар сорбциясида ҳосил бўладиган комплекс бирикмаларни тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бўлиб, муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 11 мартдаги ПҚ-1071-сонли «Кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури», 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарорлари ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандлар синтези ва уларнинг тадқиқоти соҳасидаги ишларни амалга ошириш ва ривожлантириш билан У.Н.Мусаев, М.А.Асқаров, А.Т.Джалилов, Т.М.Бабаев, Х.Т.Шарипов, Х.Х.Тураев каби олимларимиз шуғулланганлар. Улар томонидан комплекс ҳосил қилувчи сорбентларнинг оралиқ металллар анализида қўлланилиши, сорбция жараёнида ҳосил бўлган координацион бирикмаларининг тузилиши ва хоссалари таҳлил қилинган.

Хорижда полимер лигандлар синтези ва уларнинг оралиқ металллар билан сорбция жараёнида олинган координацион бирикмаларига доир тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, D.K.Singh, Wang Jinnan, A.Wołowicz, S.Tong комплекс ҳосил қилувчи турли аналитик реагентлар асосидаги полимер лигандлар синтезини, M.H. Morcali, R.P. Kusy, M. Murakami, D.Mendil, R.P. Coetzee табиий объектлардан металлларни полимер лигандлар ёрдамида сорбцион ажратиш усуллари ва сорбцияда ҳосил бўлган комплекс бирикмаларини ўрганганлар.

МДҲ нинг бир қатор олимлари комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандлар синтези, улар ёрдамида металллар сорбциясини ўрганишга доир бир қатор ишларни бажаришган. Россия ФА В.И.Вернадский номидаги геокимё ва аналитик кимё институти олимлари Н.Г. Полянский, Г.В.Мясоедова, Урал федерал университети олими Л.К. Неудачина, Тюмен давлат архитектура-қурилиш университети профессори Л.А. Пимнева, Россия ФА А.Н. Несмеянов номидаги элементоорганик бирикмалар институти профессори А.В. Даванков полимер лигандларни тадқиқ қилишнинг термик усуллари, Россия ФА агрофизика илмий-тадқиқот институти профессори Ю.А. Кокотов ион алмашилиш жараёнлари мувозанатини, Курск экологик ҳавфсизлик институти олимлари Н.Н.Басаргин, Д.В. Салихов, О.В. Кичигин хелатли полимер лигандларнинг

кислота-асосли, комплекс ҳосил қилиш хоссаларини, Омск давлат университети профессори В.Ф. Борбат полимер лигандларнинг кинетик хоссаларини, Қозоғистон ФА А.Б.Бектуров номидаги кимё институти профессори, академик Е.Е. Ергожин ва унинг раҳбарлигидаги олимлар таркибида азот, кислород бўлган эпоксид смолалар асосидаги комплекс ҳосил қилувчи полифункционал полимер лигандлар синтези ва улар ёрдамида мураккаб таркибли эритмалардан оралиқ металлларни танловчан ажратиш усулларини ўрганишга доир тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Сорбцияланиш маҳсулотларининг таркиби ва тузилишини аниқлаш, бу ўзгаришларнинг қонуниятларини ўрганиш, полимер лигандларнинг физик-кимёвий, комплекс ҳосил қилувчи хоссаларини тўғри интерпретация қилиш уларнинг реакция қобилиятини тушунтириш ва олдиндан айтиб бериш учун зарурдир. Адабиётларни таҳлил қилиш давомида шу нарса аниқландики, хелат ҳосил қилувчи полимер лигандларнинг оралиқ металллар ионлари билан ҳосил қилган координацион бирикмалари ва уларнинг тузилиши етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-7-28 «Тўртламчи азот ва фосфор бирикмалари асосида бинар экстрагентлар синтези ва уларнинг нодир металллар билан координацион бирикмалари» (2012-2016 йй.) ва ИТД-12 «Комплекс ҳосил қилувчи полифункциональ ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-металларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** таркибида азот, фосфор, кислород бўлган комплекс ҳосил қилувчи полифункционал полимер лигандларни синтез қилиш, улар асосида баъзи d-металларнинг комплекс бирикмаларини сорбция усулида олиш ва олинган бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ҳамда хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таркибида азот, фосфор, кислород бўлган комплекс ҳосил қилувчи янги полифункционал полимер лигандларни синтез қилиш;

синтез қилинган полимер лигандларнинг реакция қобилиятларини полуэмпирик усуллар ёрдамида квант-кимёвий ҳисоблаш;

Cu(II), Zn(II), Cd(II), Ag(I) ионларининг синтез қилинган полимер лигандлар билан комплекс бирикмаларини сорбция усули ёрдамида олиш;

синтез қилинган полимер лигандлар ва уларнинг Cu(II), Zn(II), Cd(II), Ag(I) ионлари билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг таркиби ва тузилишини физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида исботлаш;

олинган комплексларнинг барқарорлик доимийликлари ва термик турғунликларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида карбамид, гидразин гидрат, ортофосфат кислота, калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат,

формальдегид, эпихлоргидрин асосида синтез қилинган янги комплекс ҳосил қилувчи полифункционал полимер лигандлар ва Cu(II), Zn(II), Cd(II), Ag(I) ионларининг синтез қилинган лигандлар билан координацион бирикмалари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** эритмаларда лиганд-металл иони системасида комплекс ҳосил бўлиш жараёнлари кимёси, олинган координацион бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг усуллари:** ИҚ-спектроскопия, дифференциал термик анализ, дифференциал сканирловчи калориметрия, сканирловчи электрон микроскопия (элемент таҳлили), кукунли рентген дифрактометрияси, потенциометрия, фотоколориметрия, комплексометрия, квант-кимёвий ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор таркибида азот, кислород, фосфор бўлган комплекс ҳосил қилувчи янги полифункционал полимер лигандлар- поли- 2- оксо- 1,3-ди(гидразинометил) -5-N-гидрокси метиламинокарбонил-1,3,5-триазин ( $L^1$ ); поли-2-оксо-1,3-ди (фосфоноксиметил) - 5 - N- метиламинокарбонил - 1,3,5-триазин ( $L^2$ ); поли-ди(3-аза-5,6-диоксогексил)-дитиофосфат кислотанинг калийли тузи ( $L^3$ ) ва поли-ди(3-азабутил)-дитиофосфат кислотанинг калийли тузи ( $L^4$ ) синтез қилинган;

синтез қилинган полидентатли полимер лигандлар молекулаларининг электрон тузилиши AM-1, MNDO ва PM3 полуэмпирик квант-кимёвий усулларда ҳисобланган, уларнинг геометрик параметрлари, энергетик тавсифлари ҳамда заряд текшируви асосида координацион боғнинг энг катта локалланиш марказлари аниқланган;

синтез қилинган полимер лигандларнинг Cu(II), Zn(II), Cd(II), Ag(I) ионларига нисбатан статик алмашилиш сифимлари аниқланган ва бу металлларнинг олинган лигандларда сорбцияланиш қатори тузилган;

илк бор Cu(II), Zn(II), Cd(II), Ag(I) ионларининг синтез қилинган полимер лигандлар билан хелат типдаги 16 та координацион бирикмалари олинган, уларнинг таркиби ва тузилиши замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида исботланган;

олинган комплекс бирикмаларнинг термик турғунлик қатори ва барқарорлик доимийликлари аниқланган, Пирсоннинг «Қаттиқ ва юмшоқ кислота ва асослар» принципига мувофиқ комплексларнинг барқарорлиги  $L^1 \rightarrow L^2 \rightarrow L^4 \rightarrow L^3$  ҳамда  $Zn(II) \rightarrow Cd(II) \rightarrow Cu(II) \rightarrow Ag(I)$  қаторларида ортиб бориши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

янги полифункционал лигандлар поли- 2- оксо- 1,3-ди(гидразинометил) -5-N-гидрокси метиламинокарбонил-1,3,5-триазин ( $L^1$ ); поли-2-оксо-1,3-ди (фосфоноксиметил) - 5 - N- метиламинокарбонил - 1,3,5-триазин ( $L^2$ ); поли-ди(3-аза-5,6-диоксогексил)-дитиофосфат кислотанинг калийли тузи ( $L^3$ ) ва

поли-ди(3-азабутил)-дитиофосфат кислотанинг калийли тузларини ( $L^4$ ) синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

синтез қилинган полимер лигандларда  $Cu(II)$ ,  $Zn(II)$ ,  $Cd(II)$ ,  $Ag(I)$  ионларининг сорбция жараёнини ўрганиш натижасида полимер лигандларнинг  $Cu(II)$ ,  $Ag(I)$  ионларини танловчан сорбциялаш қобилияти аниқланган ва олинган полимер лигандлар ушбу хоссаси бўйича чет элда қўлланиладиган баъзи тижорат сорбентларидан афзалроқ эканлиги кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Синтез қилинган бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши элемент таҳлили, ИҚ-спектроскопия, дифференциаль сканирловчи калориметрия, сканирловчи электрон микроскопия (фотосурати, элемент таҳлили), кукунли рентген дифрактометрияси, потенциометрия, фотоколориметрия, комплексонометрия, квант-кимёвий ҳисоблаш каби замонавий усуллар ёрдамида экспериментал натижалар олинганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, комплекс ҳосил қилувчи янги полифункционал полидентат полимер лигандларни синтез қилиш усуллари ва  $Cu(II)$ ,  $Zn(II)$ ,  $Cd(II)$ ,  $Ag(I)$  ионларининг синтез қилинган лигандлар билан координацион бирикмалар ҳосил қилишининг мақбул шароитлари аниқланди. Полуэмпирик квант-кимёвий ҳисоблаш усулларида олдиндан таклиф этилган барқарор олти ва тўрт аъзоли тузилишли ички комплекс металлохелатларнинг сорбция жараёнида ҳосил бўлиши кўрсатиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сорбцион қобилияти юқори бўлган синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи лигандлар республикамиз гидрометаллургия корхоналари чиқинди эритмалари таркибидаги жуда кам миқдордаги нодир ва рангли металлларни ажратиш олиш ҳамда саноат оқава сувларини тозалашга тавсия этилди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандларни синтез қилиш ва уларнинг қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандлар олиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 05534, 28.02.2018 й.). Натижада маҳаллий хом ашёлар асосидаги комплекс ҳосил қилувчи полимер лиганд олиш усулини яратиш имкониятини берган;

синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандлар А13-054+(КА9-003) рақамли «Замонавий ядро-физикавий методлар ёрдамида гидрометаллургия корхоналари чиқинди эритмалари таркибидаги нодир металлларни концентрлаш ва ажратиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги лойиҳада нодир металлларни уларга халақит берувчи рангли металллардан ажратиш учун, Ф-7-28 рақамли «Тўртламчи азот ва фосфор бирикмалари асосида бинар экстрагентлар синтези ва уларнинг нодир металллар билан

координацион бирикмалари» (2012-2016 йй.) мавзусидаги лойиҳада янги координацион бирикмалар синтез қилиш учун фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 15 декабрдаги ФТА-02-11/1308-сон маълумотномаси). Натижада гидрометаллургия саноати чиқинди сувлари таркибидаги қимматбаҳо металл ионларини концентрлаш ва ажратиб олишга имкон берувчи янги комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандлар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 2 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган, 1 та Ўзбекистон Республикаси патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, 155 та библиографик номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истикболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хелат ҳосил қилувчи полимер лигандлар синтези ва уларнинг d-металлар билан координацион бирикмалари**» деб номланган биринчи боби асосан эпихлоргидрин ва формальдегид асосида таркибида азот, фосфор, кислород бўлган комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандлар синтезининг физик-кимёвий асосларини қиёсий таҳлил қилишга бағишланган ва эритмалардан рангли ҳамда нодир металлар ионларини комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандлар ёрдамида сорбциялаш, шунингдек, сорбция жараёнида ҳосил бўладиган координацион бирикмалар тадқиқотига доир адабиётлар шарҳи келтирилган. Адабиётлардаги маълумотларни танқидий таҳлил қилиш асосида диссертациянинг мақсади ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг «**Таркибида азот, фосфор, кислород бўлган лигандлар ва уларнинг Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионлари билан координацион бирикмалари синтези**» деб номланган иккинчи бобида

карбамид, формальдегид, гидразин гидрат; карбамид, формальдегид, ортофосфат кислота; калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат, эпихлоргидрин, шунингдек, калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат, формальдегид асосида полимер лигандлар синтези ва уларнинг кислота-асосли ионланиш доимийликларини аниқлаш усуллари, олинган лигандларнинг Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионлари билан координацион бирикмаларини синтез қилиш, уларнинг эритмадаги барқарорлик доимийликларини ҳамда лиганд – эритма системасида мувозанат ҳосил бўлиш вақтини аниқлаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Синтез қилинган лигандлар ва уларнинг Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионлари билан координацион бирикмаларининг таркиби ҳамда тузилиши**» деб номланган учинчи боби олинган натижалар таҳлилига бағишланган. Бу бобда комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандлар синтезига турли омиллар таъсири, олинган лигандларда Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионлари сорбцияси, сорбция жараёнида ҳосил бўлган координацион бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини элемент таҳлили, ИҚ-спектроскопия, дифференциал сканирловчи калориметрия, рентген фазовий дифрактометрия, сканирловчи электрон микроскопик, потенциометрик таҳлил каби усуллар ёрдамида аниқлаш натижалари келтирилган.


Формальдегид ва эпихлоргидрин асосида янги комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандлар синтези, уларнинг таркиби ва физик-кимёвий хоссалари, эксплуатацион тавсифларининг тадқиқоти, шунингдек, кимё саноати корхоналарининг металл ионларини тутган чиқинди сувларини тозалаш учун амалда фойдаланиладиган аниқ объектларни излаб топиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Шунга кўра, карбамид, формальдегид, гидразин гидрат ( $L^1$ ); карбамид, формальдегид, ортофосфат кислота ( $L^2$ ); калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат, эпихлоргидрин ( $L^3$ ); калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат ва формальдегид ( $L^4$ ) асосида комплекс ҳосил қилувчи полимер лигандлар синтез қилинди.

Карбамид, формальдегид ва гидразин гидрат асосидаги лиганд - поли-2-оксо-1,3 - ди (гидразинометил) - 5 - N - гидроксиметиламинокарбонил-1,3,5-триазин ( $L^1$ ) дастлабки моддаларнинг 1:2,5:1 мол нисбатларида  $80^{\circ}\text{C}$  ҳароратда синтез қилинди. Элементлар таҳлили натижалари - топилди: С – 33,12%, Н - 4,73%, N – 5,07%, О – 13,81%; ҳисобланди: С – 32,78%, Н - 4,92%, N – 42,98%, О – 14,03%.  $(\text{C}_7\text{H}_{14}\text{N}_7\text{O}_2)_n$ ,  $n=850-870$ . ИҚ-спектрида  $\nu(\text{NH})$   $3415\text{ см}^{-1}$ ,  $\delta_{\text{as}}(\text{CH}_2)$   $1437\text{ см}^{-1}$ ,  $\delta_{\text{s}}(\text{CH}_2)$   $1385\text{ см}^{-1}$ ,  $\nu(\text{C}=\text{O})$   $1639\text{ см}^{-1}$ ,  $\nu(\text{C}-\text{O})$   $1134, 1035\text{ см}^{-1}$ ,  $\delta(\text{NH})+\nu(\text{CN})$   $1550\text{ см}^{-1}$ .


Карбамид, формальдегид ва ортофосфат кислота асосидаги полимер лиганд - поли-2-оксо-1,3-ди(фосфоноксиметил)-5-N-метиламинокарбонил-1,3,5-триазин ( $L^2$ ) дастлабки моддаларнинг 1:2,5:1 мол нисбатларида  $80^{\circ}\text{C}$  ҳароратда синтез қилинди. Элементлар таҳлили натижалари - топилди: С – 30,56%, N – 19,86%, P – 11,23%, О – 38,35%; ҳисобланди: С – 30,11%,

N – 20,07%, P – 11,11%, O – 34,41%. (C<sub>7</sub>H<sub>12</sub>N<sub>4</sub>PO<sub>6</sub>)<sub>n</sub>, n=1120-1150. ИҚ-спектрида  $\nu(\text{NH})$  3439  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\delta_{\text{as}}(\text{CH}_2)$  1431  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\nu(\text{C}=\text{O})$  1640  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\nu(\text{P}-\text{O})$  1119, 932  $\text{cm}^{-1}$  соҳаларда ютилиш мавжуд.





8-гидрокси-1,3,5,7-тетрааза-  
2,6-диоксооктан

1-аминокарбонил-4-оксо-  
1,3,5-триазин



поли-2-оксо-1,3-ди(гидразинометил)-5-N-  
гидроксиметиламинокарбонил-1,3,5-триазин (L<sup>1</sup>);



поли-2-оксо-1,3-ди(фосфоноксиметил)-5-N-  
метиламинокарбонил-1,3,5-триазин (L<sup>2</sup>);

Эпихлоргидриннинг калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат билан полимерланиши асосидаги комплекс ҳосил қилувчи полимер лиганд –поли-ди(3-аза-5,6-диоксогексил)-дитиофосфат кислотанинг калийли тузининг (L<sup>3</sup>) синтези дастлабки моддаларнинг 2:1 мол нисбатларида 80 °С ҳароратда ўтказилди ва реакция давомийлиги 1,8 соатни ташкил этди. Элементлар таҳлили натижалари - топилди: С – 32,65%, Н - 5,1%, N – 7,83%, O – 17,61%, P – 8,27%, S – 17,72%; ҳисобланди: С – 32,87%, Н - 5,2%, N – 7,67%, O – 17,53%, P – 8,49%, S – 17,53%. (C<sub>10</sub>H<sub>20</sub>N<sub>2</sub>O<sub>4</sub>PS<sub>2</sub>K)<sub>n</sub>, n=450-470. Лиганднинг ИҚ-спектрида  $\nu(\text{NH})$  3324  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\nu_{\text{s}}(\text{CH}_2)$  2963  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\delta(\text{CH}_2)+\delta(\text{CN})$  1614  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\delta_{\text{as}}(\text{CH}_2)$  1454  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\delta_{\text{s}}(\text{CH}_2)$  1342  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\nu(\text{C}-\text{O})$  1070  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\nu(\text{P}=\text{O})$  979  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\nu(\text{C}-\text{C})$  830  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\nu(\text{P}-\text{O})$  752  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\nu(\text{P}=\text{S})$  665  $\text{cm}^{-1}$ ,  $\nu(\text{P}-\text{S}-)$  516  $\text{cm}^{-1}$  соҳаларда тебраниш частоталари кузатилди.

Формальдегиднинг калий О,О-ди(2-аминоэтил)-дитиофосфат билан поликонденсацияси асосидаги комплекс ҳосил қилувчи лиганд - поли-ди(3-

азабутил)-дитиофосфат кислотанинг калийли тузининг синтези ( $L^4$ ) дастлабки моддаларнинг 2:1 мол нисбарларида  $90\text{ }^\circ\text{C}$  ҳароратда ўтказилди ва реакция давомийлиги 2,1 соатни ташкил этди. Элементлар таҳлили натижалари - топилди: C – 29,16%, H - 4,98%, N – 11,07%, O – 13,11%, P – 12,46%, S – 25,93%; ҳисобланди: C – 29,03%, H - 4,84%, N – 11,29%, O – 12,9%, P – 12,5%, S – 25,81%.  $(C_6H_{12}N_2O_2PS_2K)_n$ ,  $n=730-750$ . ИҚ-спектрида  $\nu(NH)$   $3296\text{ cm}^{-1}$ ,  $\nu_s(CH_2)$   $2917\text{ cm}^{-1}$ ,  $\delta(CH_2)+\delta(CN)$   $1628\text{ cm}^{-1}$ ,  $\delta_{as}(CH_2)$   $1474\text{ cm}^{-1}$ ,  $\delta_s(CH_2)$   $1370\text{ cm}^{-1}$ ,  $\nu(C-O)$   $1170\text{ cm}^{-1}$ ,  $\nu(POC)$   $1029\text{ cm}^{-1}$ ,  $\nu(C-C)$   $895\text{ cm}^{-1}$ ,  $\nu(P-O)$   $728\text{ cm}^{-1}$ ,  $\nu(P=S)$   $684\text{ cm}^{-1}$ ,  $\nu(P-S-)$   $468\text{ cm}^{-1}$  соҳаларда тебраниш частоталари кузатилди.

*Лигандлар молекулаларидаги донор атомларининг рақобатдош координациялашувини квант-кимёвий таққосланиши*

Координацион бирикмаларнинг лигандлари сифатида олинган  $L^{1-4}$  молекулалари металл ионига координацияланадиган марказлар – азот, олтингугурт ва кислород атомлари мавжуд ва улар координация учун рақобатлаша олади. Шунинг учун лигандлар молекуласидаги донор атомларнинг эффектив зарядлари ва электрон зичликларининг тақсимланиш табиатини ҳисоблаш усуллари асосида энг фаол реакция қобилиятга эга донор марказни аниқлаш керак эди. Мисол тариқасида  $L^1$  лиганд учун донор атомлардаги эффектив заряд қийматлари 1-жадвалда келтирилди.

Юқорида кўрсатилган масалаларни ечиш учун яримэмпирик квант-кимёвий MNDO, PM3 ва AM1 усуллар танланди ва ушбу усуллар билан ҳисоблашдан олинган электрон зарядлар қийматларини таққослаш барча ҳисобланган молекулалардаги манфий заряднинг энг юқори қийматига эга бўлган донор атомлар координацияга учраши мумкин деб хулоса қилинди.

**1-жадвал.**


**$L^1$  лиганд молекуласидаги донор атомлар эффектив зарядларининг қийматлари**

Атомлар	AM1, эВ	MNDO, эВ	PM3, эВ
$\delta_q N^1_{(NH)}$	-0,254	-0,226	-0,115
$\delta_q N^2_{(NH)}$	-0,245	-0,162	-0,048
$\delta_q O^1_{(C=O)}$	-0,405	-0,404	-0,406
$\delta_q O^2_{(C=O)}$	-0,400	-0,354	-0,385
<b>E</b>	-3058.7 (ккал/моль)	-3075.5 (ккал/моль)	-3084.0 (ккал/моль)

*Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионларининг синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи лигандлар билан координацион бирикмалари*

$L^1$  таркибидаги фаол функционал гидразогуруҳи аминогуруҳга нисбатан кучсиз асосли хоссага эга бўлиб, кучсиз ишқорий ва нейтрал муҳитда металлларга нисбатан қайтарувчилик хоссасини намоён қилади. Эритма муҳитининг  $pH=3,4-3,7$  қийматида гидразогуруҳининг протонлашиши лиганднинг кислота-асосли хоссаларини ўрганиш натижасида


маълум бўлди. Ўтказилган кимёвий ва ИҚ-спектрал анализ натижалари асосида металллар ионларининг лиганд билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг тузилишини қуйидаги кўринишда келтириш мумкин (1-расм):



**1-расм. Мис (II) нинг  $L^1$  билан координацион бирикмасининг тузилиши ва шар-стерженли модели.**

Эрима муҳити кислоталикдан ишқорийликка ўтиб бориши билан Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионларининг сорбцияси сезилари даражада камайиши кузатилган. Бу ҳолатни металллар координацион бирикмаларининг ишқорий муҳитда парчаланиши ва тегишли гидроксидлар ҳосил қилиб чўкиши билан тушунтириш мумкин.


$L^2$  таркибидаги фаол функционал фосфогуруҳи кислотали хоссага эга. Эритма муҳитининг pH=4-6 қийматида фосфогуруҳ протонлари ва лиганд таркибидаги аминогуруҳ ҳисобига Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионларининг лиганд билан координацион бирикма ҳосил қилиши ИҚ-спектрал усул ёрдамида исботланди (2-расм). Координацион бирикманинг элемент таркиби сканирли электрон микроскопик усул ёрдамида тадқиқ қилинди (3-расм, 2-жадвал).



**2-расм.  $L^2$  (а) ва унинг Cu (II) билан координацион бирикмасининг (б) ИҚ-спектри.**

Келтирилган металллар ионларининг  $L^2$  билан координацион бирикмалари ҳосил бўлиши натижасида карбонил ва амид гуруҳини тутган C-N боғининг валент тебраниш чизиғи интенсивлиги паст частотали соҳага силжийди. Бу эса координация карбоксил гуруҳдаги кислород орқали содир бўлишини кўрсатади. Шунга кўра,  $L^2$  лиганд таркибидаги амид ва карбонил гуруҳлар металл ионини координациялайди, бунда ҳосил бўлган тўрт аъзоли

металлохелат олти аъзоли хелат ҳалқа билан мустаҳкамланади (4-расм). Полифункционал полидентат лигандлардаги донор марказларни квант-кимёвий ҳисоблашлар натижасида заряд текшируви орқали олинган маълумотлар бизнинг хулосамизни тасдиқлайди.




3-расм.  $L^2$  (а) ва унинг  $Cu(II)$  билан ҳосил қилган координацион бирикмасининг (б) электрон микроскопик тасвири.

2-жадвал.

$L^2$  ва унинг  $Cu(II)$  билан ҳосил қилган координацион бирикмасининг элемент таҳлили натижалари

Элемент	Оғирлик, %	Сигма оғирлик, %	Оғирлик, %	Сигма оғирлик, %
	$L^2 - [C_7H_{12}N_4PO_6]_n$		$[C_7H_{11}N_4PO_6CuCl]_n$	
C	30,56	0,55	23,85	0,64
N	19,86	0,80	14,13	0,58
O	38,35	0,52	30,01	0,49
P	11,23	0,15	7,11	0,19
Cl	-	-	8,45	0,15
Cu	-	-	16,45	0,33
Сумма:	100,00		100,00	


Сорбция натижасида олинган координацион бирикманинг тузилиши ўтказилган физик-кимёвий тадқиқотлар натижалари асосида қуйидагича таклиф этилди:




4-расм. Баъзи d-металларнинг  $L^2$  билан координацион бирикмаларининг тузилиши ва шар стерженли модели,  $M^{II} - Cu, Zn, Cd$ ;  $M^I - Ag$ ;  $X - Cl^-, NO_3^-$ .

Полимер лиганд – поли-2-оксо-1,3-ди(фосфоноксиметил)-5-N-метиламинокарбонил-1,3,5-триазин ( $L^2$ ) ва унинг Cu (II) иони билан ҳосил қилган координацион бирикмасининг рентгенограммаси ўрганилганда унинг аморф тузилишга эга эканлиги аниқланди. Шунингдек, координацион бирикмада тегишли сканирлаш бурчагидаги интенсивликлар қиймати полимер лигандга нисбатан камайганлиги кузатилди (5-расм).

Cu (II) ионининг  $L^2$  билан ҳосил қилган координацион бирикмасининг ДСК-ТГ-ДТГ графикларини ўрганиш натижасида 20-390 °С ҳарорат соҳасида намунанинг 112 °С ҳароратгача турғун эканлигини кўриш мумкин. Парчаланиш 227 °С ҳароратда 1,5%/мин тезликда содир бўлган. Парчаланишнинг умумий энтальпияси  $\Delta Q = 546,6$  Ж/г – жараён экзотермик. Бундан юқори ҳароратда намуна парчаланиб бошлайди ва умумий масса камайиши дастлабки намуна массасига нисбатан 45,8% ни ташкил қилган (6-расм).



5-расм.  $L^2$  (1) ва унинг Cu (II) билан ҳосил қилган комплекс бирикмасининг (2) рентгенограммаси.




6-расм. Cu (II) нинг  $L^2$  билан ҳосил қилган координацион бирикмасининг ДСК-ТГ-ДТГ графиги.

### 3-жадвал.

Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионларининг  $L^3$  ва  $L^4$  билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг ИҚ-спектрларидаги ютилиш частоталари,  $\text{см}^{-1}$

Бирикмалар	$\nu(\text{NH})$	$\nu(\text{C-O})$	$\nu(\text{POC})$	$\nu(\text{P-O})$	$\nu(\text{P=S})$	$\nu(\text{P-S-})$
$[\text{C}_{10}\text{H}_{20}\text{N}_2\text{O}_4 \text{PS}_2\text{K}]_n$	3324	1070	979	752	665	516
$[(\text{C}_{10}\text{H}_{20}\text{N}_2\text{O}_4 \text{PS}_2)_2\text{Cu}]_n$	3312	1074	985	790	635	492
$[(\text{C}_{10}\text{H}_{20}\text{N}_2\text{O}_4 \text{PS}_2)_2\text{Zn}]_n$	3308	1079	992	784	642	490
$[(\text{C}_{10}\text{H}_{20}\text{N}_2\text{O}_4 \text{PS}_2)_2\text{Cd}]_n$	3305	1075	986	788	638	501
$[\text{C}_{10}\text{H}_{20}\text{N}_2\text{O}_4\text{PS}_2\text{Ag}]_n$	3307	1072	991	773	629	487
$[\text{C}_6\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_2 \text{PS}_2\text{K}]_n$	3296	1074	956	728	684	468
$[(\text{C}_6\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_2 \text{PS}_2)_2\text{Cu}]_n$	3308	1072	972	752	653	445
$[(\text{C}_6\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_2 \text{PS}_2)_2\text{Zn}]_n$	3298	1075	968	743	661	456
$[(\text{C}_6\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_2 \text{PS}_2)_2\text{Cd}]_n$	3307	1074	983	751	657	443
$[\text{C}_6\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_2 \text{PS}_2\text{Ag}]_n$	3311	1073	971	762	644	435

$L^3$  ва  $L^4$  лигандлар таркибида дитиофосфат кислотали гуруҳи бўлиб, эритманинг  $pH=4-6$  қийматида дитиофосфат гуруҳи ҳисобига  $Cu(II)$ ,  $Zn(II)$ ,  $Cd(II)$ ,  $Ag(I)$  ионларининг лиганд билан координацион бирикма ҳосил қилиши ИҚ-спектрал усул ёрдамида исботланди (3-жадвал, 7-расм). Бундан кўришиб турибдики, лигандлардаги дитиофосфат гуруҳлари металл ионининг координацияланишини таъминлайди, бунда тўрт аъзоли хелат халқа ҳосил бўлади ва бу ҳолат квант-кимёвий ҳисоблаш натижаларига зид келмайди.



7-расм. Баъзи d-металларнинг  $L^3$  (а) ва  $L^4$  (б) билан координацион бирикмаларининг тузилиши:  $M^{II}$  -  $Cu, Zn, Cd$ ;  $M^I$  -  $Ag$ .

Синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи полифункционал полимер лигандларнинг баъзи d-металлар билан координацион бирикмаларининг барқарорлик доимийликларини аниқлаш учун потенциометрик титрлаш усулидан фойдаланилди. Ўрганилган металл ионларининг хелатли полимер лигандлар билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг ҳисобланган барқарорлик доимийликлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал.


Олинган координацион бирикмаларнинг концентрацион барқарорлик доимийликлари

Металл	pH	$K_{барк}$	$lgK_{барк}$	pH	$K_{барк}$	$lgK_{барк}$
<b><math>L^1</math></b>				<b><math>L^2</math></b>		
$Cu(II)$	3,4-3,7	$5,48 \cdot 10^4$	4,74	3,8-4,1	$1,35 \cdot 10^7$	7,13
$Zn(II)$	6,2-6,5	$4 \cdot 10^5$	5,6	6,5-6,7	$1,64 \cdot 10^6$	6,21
$Cd(II)$	4,5-5	$5,93 \cdot 10^4$	4,8	4,5-5	$3,2 \cdot 10^7$	7,5
$Ag(I)$	3,8-4	$8,8 \cdot 10^4$	4,94	4-4,2	$2,56 \cdot 10^8$	9,4
<b><math>L^3</math></b>				<b><math>L^4</math></b>		
$Cu(II)$	4,2-4,7	$3,55 \cdot 10^{10}$	10,55	4,3-4,9	$1,73 \cdot 10^{10}$	10,23
$Zn(II)$	6-6,5	$8,72 \cdot 10^7$	7,94	6-6,5	$1,42 \cdot 10^7$	7,15
$Cd(II)$	4,2-4,5	$5,31 \cdot 10^8$	8,72	4,5-5	$2,27 \cdot 10^8$	8,36
$Ag(I)$	3,3-3,5	$2,38 \cdot 10^{11}$	11,37	3,5-4	$1,86 \cdot 10^{11}$	11,27

Синтез қилинган полимер лигандларда Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионлари сорбциясига муҳит рН катталигининг таъсири ўрганилди (8-расм). Металлар сорбциясини ўрганиш натижаларига кўра, лигандларнинг статик алмашилиш сиғимлари (мг-экв/г) оптимал муҳит рН катталикларида қуйидагича бўлади:

- L<sup>1</sup>: Cu – 2,5 (рН=4); Zn - 2,1 (рН=5); Cd - 2,4 (рН=5); Ag - 2,8 (рН=4);  
 L<sup>2</sup>: Cu – 3,2 (рН=5); Zn - 1,9 (рН=6); Cd - 2,8 (рН=6); Ag - 3,8 (рН=4,5);  
 L<sup>3</sup>: Cu - 4,5 (рН=5); Zn - 2,9 (рН=6); Cd - 3,7 (рН=6); Ag - 4,6 (рН=4);  
 L<sup>4</sup>: Cu - 4,2 (рН=6); Zn - 2,3 (рН=6); Cd - 3,4 (рН=6); Ag - 4,5 (рН=4).

Лигандларда ўрганилган металлар ионларининг сорбцияланиш даражаси қуйидаги қаторда ортиб боради: Zn (II) < Cd (II) < Cu (II) < Ag (I).



8-расм. L<sup>1</sup> (а), L<sup>2</sup> (б), L<sup>3</sup> (в) ва L<sup>4</sup> (г) да Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) сорбциясининг муҳит рН катталигига боғлиқлиги ( $C_{Me}=0,1$  н,  $m_{сорб}=0,1$  г,  $\tau=2$  с,  $V=10$  мл).

**Синтез қилинган полимер лигандларни (сорбентларни) баъзи  
саноат сорбентлари билан солиштириш бўйича маълумотлар**

Сорбент	Функциональ гуруҳи	Тўлиқ сорбцион сиғими, мг- экв/л	Заррачалар ўлчами, мм	Сочма оғирлиги, г/л
L <sup>1</sup>	=NH (амидо, гидразо);	5,2	0,4-0,7	610
L <sup>2</sup>	=NH; -PO <sub>3</sub> (OH)	4,7	0,45-0,8	680
L <sup>3</sup>	=NH; -PO <sub>2</sub> S(SH)	5,6	0,4-0,8	570
L <sup>4</sup>	=N-; -PO <sub>2</sub> S(SH)	5,3	0,55-0,85	620
Purolite S950 <sup>1</sup>	-CH <sub>2</sub> NHCH <sub>2</sub> PO <sub>3</sub>	4,7	0,4-0,65	669
Lewatit TP260 Monoplus <sup>2</sup>	-CH <sub>2</sub> NHCH <sub>2</sub> PO <sub>3</sub>	5,7	0,52-0,6	690
АФИ-22 <sup>3</sup>	$  \begin{array}{c}    \\  -N(CH_2CH_2OP=N-)_2 \\    \\  OH  \end{array}  $	3,6	0,63-1,0	405

<sup>1</sup>«Purolite International Limited», Англия; <sup>2</sup>«Bayer AG», Германия; <sup>3</sup>Кимё-технология умумроссия илмий-тадқиқот институти, Россия.

Синтез қилиб олинган полимер лигандларнинг хоссалари саноат сорбентлари билан солиштирилди. 5-жадвалдан кўриниб турибдики, олинган полимер лигандлар хоссалари жихатидан чет элда ишлаб чиқарилиб, саноатнинг турли тармоқларида самарали қўлланиб келинаётган сорбентлардан қолишмайди.

### ХУЛОСАЛАР

1. Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал полимер лигандлар - поли-2-оксо-1,3-ди (гидразинометил)-5-N-гидроксиметиламинокарбонил - 1,3,5-триазин (L<sup>1</sup>); поли- 2- оксо- 1,3- ди (фосфоноксиметил)- 5-N-метиламинокарбонил-1,3,5-триазин (L<sup>2</sup>); поли-(ди(3-аза-5,6-диоксогексил)-дителиофосфат) кислотанинг калийли тузи (L<sup>3</sup>) ва поли-ди(3-азабутил)-дителиофосфат кислотанинг калийли тузи (L<sup>4</sup>) ни синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилди ва тўртта янги полимер лиганд синтез қилинди.

2. Квант-кимёвий полуэмпирик усуллар AM-1, PM3, MNDO ёрдамида барча синтез қилинган полимер лигандларнинг битта мономер звеносининг электрон тузилиши тадқиқ этилди ва полидентат полифункционал лигандлардаги координацион марказлар аниқланди. Бунда потенциал тўққиз – (L<sup>1</sup>, L<sup>4</sup>), саккиз – (L<sup>2</sup>) ва ўн икки - (L<sup>3</sup>) дентатли лигандлардан L<sup>1</sup> L<sup>3</sup>, L<sup>4</sup> - бидентатли ва L<sup>2</sup>-тридентатли бўлиши кўрсатиб берилди.

3. Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионларининг синтез қилинган полимер лигандларлар билан 16 та координацион бирикмалари олинди, уларнинг таркиби ва тузилиши замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида исботланди ҳамда бу координацион бирикмаларнинг барқарорлик доимийликлари аниқланди:

- Zn (II) ионларининг  $L^1$  билан эритма муҳитининг  $pH=6,2-6,5$  қийматида ҳосил қилган координацион бирикмаси Cu (II), Cd (II), Ag (I) ионларининг координацион бирикмаларига нисбатан ўзига ҳос барқарорликка эга;

- Ag (I) ионларининг  $L^2$ ,  $L^3$ ,  $L^4$  билан эритма муҳитининг  $pH=3-4$  интервалида ҳосил қилган координацион бирикмалари уларнинг Cu (II), Zn (II), Cd (II) ионлари билан ҳосил қилган координацион бирикмаларига нисбатан юқори барқарорликка эга. Бу эса Ag (I) ионларини эритмадаги Cu (II), Zn (II), Cd (II) ионларидан ажратиш имконини беради. Олинган натижалар Пирсоннинг “Қаттиқ ва юмшоқ кислота ва асослар” принципига зид эмаслиги кўрсатиб берилди.

4. Cu (II), Zn (II), Cd (II) ионлари эритма муҳитининг  $pH=3,4-3,7$  қийматида  $L^1$  нинг карбонил ва гидразо- гуруҳлари билан координацияланиб, олти аъзоли хелат ҳалқа ҳосил қилади. Ag (I) ионлари эса бу шароитда фақат гидразо- гуруҳлар билан координацияланади.  $L^2$  эритма муҳитининг  $pH=4-6$  қийматида таркибидаги фосфогуруҳ протонларини металл ионлари билан алмашилиши, амидо ва карбонил гуруҳлар ҳисобига Cu (II), Zn (II), Cd (II) ионлари олти аъзоли ва тўрт аъзоли хелат ҳалқа ҳосил қилиб, Ag (I) ионлари эса фосфогуруҳ протони билан алмашилиб, амидогуруҳ орқали олти аъзоли хелат ҳалқа ҳосил қилиб координацияланиши ИҚ-спектрал усул ёрдамида исботланди.

5.  $L^3$  ва  $L^4$  полимер лигандларида Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионлари дитиогуруҳдаги олтингугурт атоми орқали координацияланади, комплекс ҳосил қилувчининг заряди металл ионларининг эритма муҳитининг  $pH=4-6$  қийматида депротонлашган дитиофосфат гуруҳи билан боғ ҳосил қилиши ҳисобига компенсацияланади. Бунда тўрт аъзоли металлохелатлар ҳосил бўлади. Лигандлардаги дитиофосфат гуруҳлари Cu (II), Zn (II), Cd (II) ионлари билан иккита тўрт аъзоли хелат ҳалқа ҳосил қилади ва ушбу металл ионлари халқаларнинг марказида жойлашилиши лиганд молекуласининг битта звеносини квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари асосида башорат қилинган. Ag (I) ионлари эса битта металлоцикл ҳосил қилиши кўрсатиб берилди.

6. Маҳаллий хом ашёлар асосида синтез қилиб олинган полимер лигандларнинг хоссалари комплекс ҳосил қилувчи Purolite S950, Lewatit TP260 Monoplus каби саноат сорбентлари билан солиштирилди ва сорбцион хоссалари жиҳатидан улардан қолишмаслиги исботланди.

7. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, олинган полимер лигандлар гидрометаллургия корхоналари оқава сувларини оғир металллардан тозалашда ва нодир металлларни рангли металллардан ажратиш учун қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К.01.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

**КАСИМОВ ШЕРЗОД АБДУЗАИРОВИЧ**

**СИНТЕЗ АЗОТ-, ФОСФОР-, КИСЛОРОДСОДЕРЖАЩИХ  
ЛИГАНДОВ И ИХ КООРДИНАЦИОННЫЕ СОЕДИНЕНИЯ  
С НЕКОТОРЫМИ d-МЕТАЛЛАМИ**

**02.00.01 – Неорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2017.3.PhD/К60.**

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете и Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.ik-kimyo.nuuz.uz](http://www.ik-kimyo.nuuz.uz) на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz).

**Научный руководитель**

**Тураев Хайит Худайназарович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Умаров Бако Бафоевич**  
доктор химических наук, профессор

**Нуралиева Гузал Абдухамидовна**  
кандидат химических наук, доцент

**Ведущая организация:**

Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, НУУз, Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24, факс: (+99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация зарегистрирована в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за №\_\_\_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100174, Ташкент, ВУЗгородок, Фундаментальная библиотека НУУз. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.  
(реестр протокол рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.)

**Х.Т. Шарипов**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.х.н., профессор

**Д.А. Гафурова**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.х.н.

**Н.А. Парпиев**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.х.н., проф., академик

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире уделяется все большее внимание синтетической координационной химии, проблемам дизайна и синтезу органических лигандов, обладающих определенной стереохимической архитектурой. Полимерные сорбенты являются очень важными в качестве хелатообразующих лигандов. Синтез полимерных лигандов, а именно хелатообразующих сорбентов, с их помощью разделение переходных металлов из растворов комплексообразующими сорбционными методами, изучение состава, строения, физико-химических свойств координационных соединений, образующихся в процессе сорбции, является одной из основных задач химической промышленности.

Во всем мире комплексы переходных металлов являются главным предметом как фундаментальных, так и прикладных исследований в области координационной химии. Наличие координационных соединений переходных металлов с огромным количеством органических лигандов, открывает широкие перспективы целого ряда промышленно важных процессов, на которых базируется современная безотходная технология. В качестве таких реакционно активных органических лигандов целесообразно получить азот-, фосфор-, кислородсодержащие комплексообразующие полимерные лиганды. Использование этих лигандов в процессе извлечения металлов, путем комплексообразования из растворов, позволяет селективно извлекать металлы в виде комплексных соединений. Поэтому необходимо проводить систематические исследования возможности образования координационных соединений металлов с полимерными лигандами и определить устойчивость полученных веществ в растворах.

В Республике уделяется особое внимание производству товаров химической промышленности, в частности, производство сорбентов, применяемых для селективного извлечения цветных и благородных металлов из растворов и удаления тяжелых металлов из сточных вод. Исходя из стратегии действий развития Республики Узбекистан, направленной на «дальнейшую модернизацию и диверсификацию промышленности путем перевода её на качественно новый уровень, направленный на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов», «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий» и «дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции» определены важнейшие задачи. В этом аспекте, развитие ведущих отраслей национальной экономики, в том числе химической промышленности, получение селективных сорбентов - полимерных лигандов на основе заданного органического синтеза и исследование комплексных соединений образовавшихся при сорбции d-металлов, является актуальной задачей и приобретает особое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, Указов Президента Республики Узбекистан ПП-1071 от 11 марта 2009 года «О программе мер по ускорению строительства и освоению производства новых видов химической продукции», ПП-3246 от 29 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности» и Постановление УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан. VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** В Республике осуществлением и развитием работ в области синтеза и исследований комплексообразующих полимерных лигандов занимались У.Н.Мусаев, М.А.Аскаров, А.Т.Джалилов, Т.М.Бабаев, Х.Т.Шарипов, Х.Х.Тураев. С их стороны анализированы строение и свойства координационных соединений, образовавшихся в процессе сорбции, предложены области применения комплексообразующих лигандов в анализе металлов.

